Музаффар ТУРОБ

# ЧУНОН ЯШАРМОҚДА ЮРТИМ



### ШУНДАЙ БИР ВАТАН...

Мен учун каъбадек азиз ошёним,
Мусаффо, беғубор, беғард осмоним,
Гўзал Ўзбекистон, жаннатмаконим,
Ажиб бир Ватанким, азиз бир Ватан.

Ўтмишда олдириб, олмаган халқим,
Аммо курашлардан толмаган халқим.
Бир ерда депсиниб қолмаган халқим.
Ажиб бир элдирким, азиз бир Ватан.

Бағрида не зотлар ғамга тўлган, рост,
Мирзо Бобур учун армон бўлган, рост.
Бугун ўзин таниб, бахти кулган, рост,
Бу ажиб элдирким, бу азиз Ватан.

Аждодлар маскани — жойи шундадир,
Соҳибқирон хоки пойи шундадир...
Чунон яшармоқда юртим кунда бир,
Бу ажиб юртдирким, бу азиз Ватан.

### АСКАР БЕВАСИ

Ўн саккизда эди келинчак,
Ногаҳонда уруш... жанг... олов...
Кўп қатори абжир, куюнчак,
Жангоҳ томон отланди куёв.

Инсон боши экан сой тоши,
Дилин фироқ ўртайди ёмон.
Етмишни ҳам қоралар ёши,
Эллик йилким, у кутар ҳамон.

Эллик бирга кирди Ёдгори,
Ёлғиз ўғли бўлди тўртовлон.
Неваралар — қаторда нори,
Ўқир, ишлар, уришар жавлон.

Бобосидан аммо йўқ дарак,
Кўнгли ярим, юракда оҳи,
Беваси-чи, кутади илҳақ,
Бардош унинг ёлғиз ҳамроҳи.

«У тирик» дер, йўлдадир кўзи,
Интиқ кутар бамисли хаёл.
Садоқат-ла, кутар-у, ўзи
Садоқатга айланмиш аёл!

***

Ҳали йўқолганмас, бордир диёнат,
Покиза қалбларга ёрдир диёнат.
Қай лаҳза қай қалбни тарк этаркан у,
Билинг, урчий бошлар унда хиёнат!

## АМИР ТЕМУР ЎГИТЛАРИ

Мусулмонларга диний масалалардан таълим бериб, шариат ақидалари ва ислом дини илмлари: тафсир, ҳадис, фиқҳдан дарс берсинлар деб, ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрислар тайин қилдим.

* * *

Кимки Муҳаммад динини қўллаб-қувватласа, Сен ҳам уни қўллагил, кимки, Муҳаммад динини хор қилса, Сен ҳам уни хор тутгил.

* * *

Салтанатим қонун-қоидаларини ислом дини ва кишиларнинг энг хайрлиси (ҳазрати Муҳаммад)нинг шариатига боғлаб, иззату ҳурматлаш вожиб бўлган онҳазратнинг авлоди ва саҳобаларига муҳаббат билдирган ҳолда уларни мустаҳкамладим. Салтанатим мартабасини қонун-қоидалар асосида шундай сақладимки, салтанатим ишларига аралашиб, зиён етказишга ҳеч бир кимсанинг қурби етмасди.

* * *

Дўст-душмандан кимки менга илтижо қилиб келгудек бўлса, дўстларга шундай муомала қилдимки, дўстлиги янада ортди, душманларга эса шундай муносабатда бўлдимки, уларнинг душманлиги дўстликка айланди.

* * *

Менда бирон кимсанинг ҳақи бўлса, ҳақини ҳеч вақт унутмадим. Бирон кимса билан танишган бўлсам, уни ҳеч вақт назаримдан қолдирмадим.

* * *

Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқроқда бўлишга интилдим.

* * *

Менга илтижо қилиб келган бадкирдор одамлар, хоҳ менга яхшилик қилган бўлсинлар, хоҳ ёмонлик, салтанат тахтига ўтирганимдан кейин уларни хайр-эҳсонларим билан хижолатга қўйдим. Менга қилган ёмонликларини қилмагандек кўриб, уларни ёмон қилмишлари дафтари устига афв қаламини тортдим.

* * *

Ҳеч кимдан ўч олиш пайида бўлмадим. Тузимни тотиб, менга ёмонлик қилганларни парвардигори оламга топширдим. Софдил кишилар, саййидлар, олимлар ва фозилларга даргоҳим доим очиқ эди. Нафси ёмон ҳимматсизларни, кўнгли бузуқ қўрқоқларни мажлисимдан қувиб юбордим.

* * *

Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак.

* * *

Кимнинг ақли ва шижоатини синов тарозусида тортиб кўриб, бошқаларникидан ортиқроқ кўрсам, уни тарбия қилиб, амирлик даражасига кўтарар эдим. Сўнгра кўрсатган хизматига яраша мартабасини янада оширар эдим.



• Бу қизиқ

## ТЕЛЕФОНСИЗ ҚАНДАЙ ЯШАШГАН ЭКАН?

Одамзод томонидан ўйлаб топилган мислсиз мўъжизалардан бири, шубҳасиз, телефон тармоғидир. Бугунги кунда биз ҳаётимизни телефонсиз тасаввур қила олмаймиз. Шунингдек, қадимги замонда қандай қилиб телефонсиз ўз ишларини битирганлари ҳам сира-сира тасаввуримизга сиғмайди.

1989 йилнинг 1 январигача бўлган маълумотларга кўра, дунёдаги телефон ишқибози америкаликлар ҳисобланади. Бу вақтда АҚШда жами 423 миллион 618 минг 819 та телефон тизими бўлган.

Токио эса дунёдаги телефон билан тўла таъминланган шаҳар сифатида тан олинган. 1989 йилнинг 1 январида бу ерда абонентлар сони 5 миллион 511 мингтани ташкил этган. Нью-Йоркда эса бу пайтда 4 миллион 589 мингта абонент бўлган. 1983 йилда Вашингтон шаҳрида ҳар минг кишига 1730 та телефон аппарати тўғри келган.

Энг улкан телефон аппарати 1988 йилнинг сентябрида Голландиянинг Анелдорн шаҳридаги фестивалда намойиш этилган. «Сентрал Бехер» суғурта ширкатининг 80 йиллик тўйи муносабати билан ташкил этилган тантаналар пайтида кўз-кўз қилинган мазкур мосламанинг баландлиги 2,74, узунлиги 7,14 метрли дастаги кўтарма кран воситасида жойидан қўзғатилган.

* Мерос

Ҳусайн ХЕВЗИЙ

## ҲИКМАТЛАР

Мутакаббур одамдан қўрқинг. Давлатмандлардан гина қилманг. Ҳеч кимга, хоҳ эркак бўлсин, хоҳ аёл бўлсин зулм қилманг.

***

Меҳмонни азиз тутинг. Халқдан тама қилманг. Ота-она ҳаққини унутманг ва қариндошлардан эҳсонингизни аяманг. Одамлар билан аҳду вафода содиқ бўлинг. Айтилмаган ерга меҳмонга борманг. Бировнинг ҳожатини чиқариш қўлингиздан келса, саховатингизни дариғ тутманг.

***

Илмли кишиларни улуғланг. Ўқиш-ўрганишдан ор қилганларни ҳақиқий одам сафига қўшманг. Тансиҳатликни тилни тийишда деб билинг. Ростгўй бўлинг ва номаъқул сўз сўзламанг.

***

Тилингизни ёмон сўзлашга одат қилдирманг. Ёмон сўзларга қулоқ солманг. Сизга қулоқ солмаган одамга сўзламанг. Айтган сўзингизга амал қилинг.

***

Яхшиларни эъзозланг. Солиҳ кишилар билан суҳбат қуринг. Ўлганларни яхши сифатлари билан эсланг. Дўсту душманга қайта насиҳат қилманг. Отангиз вафотидан кейин унинг васиятларини бажо келтиринг. Илм олишга интилувчан бўлинг. Ҳеч бир ишни илмсиз қилманг ва ҳеч бир сўзни илмсиз сўзламанг.

***

Ҳар кимнинг гапига ишонаверманг. Барчадан яхши сўз эшитишга интилинг. Росту ёлғон қасам ичманг. Охиратни бу дунёдан кўпроқ ўйланг. Етимнинг молига кўз тикманг. Кексалик ғамини ёшликда енг.

***

Олижанобликни одат қилинг. Хасисликдан узоқ бўлинг. Ноаҳиллар билан суҳбатдош бўлманг. Ёрдамни олижаноб одамлардан сўранг. Яхши ишларни бошқалардан дариғ тутманг. Қарздорларни сиқувга олманг. Дўстларингизнинг нуқсонларини юзига айтманг.

***

Ўз фарзандларингизга касбу ҳунар ўргатинг. Ўз аҳволингизни дўсту душмандан сир тутинг. Сир айтилаётган жойда зинҳор тинглашга жазм қилманг.

***

Вафодор дўстлар билан алоқани узманг. Давлатли, неъматли бўлган вақтингизда дўстларни ёдга олинг. Душманингизни кичик деб ҳисобламанг. Агар душманингиз дўст бўлмоқчи бўлса, андиша қилманг.

МУАССИС: Ўзбекистон Республикаси Алоқа Вазирлиги

Бош муҳаррир: Шодмон ОТАБЕК

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Абдувоҳид ЖЎРАБОЕВ
Шуҳрат ЖАББОР
Анатолий КУДИНОВ
Иззат АҲМЕДОВ (Масъул котиб)
Мирпўлат МИРЗО
Рустам ҚОСИМОВ
Ёқубжон ХЎЖАМБЕРДИ
Бобохон ШАРИФ

ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:
Бўривой АҲМЕДОВ
ОТАУЛИ
Саидмаҳмуд АКБАРОВ
Шоҳруҳ АКБАРОВ
Меҳмонқул ИСЛОМҚУЛОВ
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ
Тоғай МУРОД
Саид СИДДИҚОВ
Нурали ҚОБУЛ

МАНЗИЛИМИЗ: 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.
ТЕЛЕФОНИМИЗ: 36-36-42, 36-35-29, 44-29-09. ИНДЕКС: 64600
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлёзмалар (2 оралиқда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифлар зиммасидадир.
Рўйхатга олиш №000011. Буюртма №Г-0286. 10874 нусхада чоп этилди
Офсет усулида босилди. Бичими А-3, ҳажми 1 босма табоқ.
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ «ШАРҚ» НАШРИЁТ-МАТБАА КОНЦЕРНИ БОСМАХОНАСИ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй. 1 2 3 4 5 6

